Жанубий кореялик шифокорлар Андижонда



Андижонда Жанубий кореялик шифокорлар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

□ □□□□□□□□ авлод учун□ □□ халқаро хайрия фонди ҳамда Жанубий Кореянинг Ewha Womans University госпитали ҳамкорлигида вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ташкил этилган тадбирда аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди, дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари берилди.□

□ □□ Педиатр, ортопед, психолог, стоматолог, гинеколог, отоларинголог каби мутахассислардан иборат Жанубий кореялик шифокорлар гуруҳи аҳолига зарур тавсия ва маслаҳатлар берди, □□□дейди □□□□□□□□□ авлод учун□ □□ халқаро хайрия фонди Андижон вилояти ҳудудий филиали директори Турсунбой Бердираҳматов. □ □□ Туғма юрак, қўл-оёқ бўғимлари нуқсони, терининг куйиш асоратлари ва бошқа жиддий хасталиклар билан оғриган беморлар Жанубий Кореядан келтирилган замонавий тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар ёрдамида чуқурлаштирилган текширувдан ўтказилди.□

□ □□ Мақсадимиз, юртингизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга кўмаклашиш, ўзбекистонлик шифокорлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, □ □□ дейди Ewha Womans University госпитали профессори Ким Хан Су. □ □□ Ўзбекистонда аввал ҳам бўлганман. Шу қисқа вақт ичида бу ерда амалга оширилган ўзгаришлар мени ҳайратга солмоқда. Айниқса, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларни алоҳида таъкидламоқчиман. Ташриф доирасидаги ҳамкорлигимиз ижобий самара беришига ишонаман.□

□Ўзим терапевтга кўриндим, қизим ва ўғлим болалар шифокори кўригидан ўтди, □ □□ дейди Балиқчи туманидаги Сиза маҳалласида яшовчи Моҳирўя Қосимова. □ □□ Хорижлик шифокорлар соғлиғимизни мустаҳкамлаш бўйича зарур тавсия ва маслаҳатлар берди.□

Ташриф доирасида хорижлик шифокорлар Андижон давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Тиббий таълим ва унинг самарадорлигини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш юзасидан мулоқот ташкил этилди, илмий маърузалар тингланди, маҳорат дарслари ўтказилди.□